



Хабарлар

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSİYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2001 yil, 19 yanvar, juma № 3 (436)

Sotuvda narxi erkin



Мустақиллик йилларида бунёд этилган «Андижон почтаси» Шахрихон филиали биноси.

ЎҚУВ МАШҒУЛОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитасида вилоятлар алоқа ходимлари бирлашган касба уюшма кўмиталари ҳамда Тошкент шаҳар алоқа корхоналари касба уюшма кўмиталари раислари билан ўқув машғулотини ўтказилди. Айни чоғда жамоа шартномалари ва келишувларини экспертиза қилиш ва рўйхатдан ўтказиш, уларнинг бажарилиши яқунлари ва бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Анжуманда Ўзбекистон касба уюшмалари Фе-

дерацияси кенгашининг масъул ходимлари: Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи М. Исаев, Молия бўлими мудирини Л. Яковлева ва Ташкилий бўлим бош мутахассиси Р. Самарбековлар иштирок этишди.

Ўқув машғулотини Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кўмитаси раиси Т. Назаржонов олиб борди.

Ўз мухбиримиз

Харакатдаги алоқанинг келажакдаги тизимини ривожлантириш учун яна бир муаммони ечиш лозим. Бу 2ГГц оралликда 1885...2010 ва 2110...2200 МГц частота кенгликларини ажратиш билан боғлиқ бўлган муаммодир. Маълумотларга қараганда XXI асрда мазкур тизим абонентлари сони тахминан 600 млн.ни ташкил этади, яъни тизим бутун дунё бўйича тарқалади. Ҳозирги вақтда 2ГГц частота ораллиги аксарият мамлакатларда ўрнатилган алоқа хизмати учун фойдаланилади. Харакатдаги алоқа ривожла-

алоқа тармоқлари тузилишининг ижтимоий масалаларини ёритадиган ҳужжатлар ишлаб чиқишнинг ҳозирданок бошлаб юбориш зарур.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида мавжуд ва такомиллаштирилаётган радиотехнология, IMT-2000, UMTS учинчи авлод харакатдаги радиоалоқанинг истиқболли тизимлари асосида ишловчи куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш тармоқлари радиоэлектроника воситалари томонидан радиочастота кенгликларидан биргаликда фойдаланиш самара-

ишлаб чиқиш;

— куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари учун частота захирасини ажратиш, радиочастота спектридан фойдаланишининг Ўзбекистонда ўзига хос хусусиятларга бўйича халқаро ташкилотларга ахборотлар тайёрлаш;

— куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотлар узатиш тармоқлари частота кенгликларини чегаралашда бошқариш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

МОБИЛ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯСИНING УЧИНЧИ АВЛОДИ

(Охири. Аввалу ўтган сонларга.)

ниш истиқболларини ҳисобга олганда 2ГГц ораллик радиотўлқинларини тарқатиш шароити бўйича ҳар томонлама янги тизимга тўғри келадиган қулай оралликдир. ХЭИ ва Европа алоқа ташкилоти СЕРТ томонидан ўрнатилган алоқа хизмати воситаларини шу оралликдан аста-секин анча юқори частота ораллигига ўтказиш тўғрисида махсус тавсиянома қабул қилинган. XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида харакатдаги алоқанинг бўлажак тизимини ривожлантириш мақсадида частота кенгликларини бўшатиб бериш тадбирларини тўлиқ амалга ошириш тавсия этилади.

Хусусан, Умумжаҳон радио-конференцияси ВКР-2000да ҳам IMT-2000 учун частота ораллигини кенгайтириш масаласи кўрилди. UMTS форуми (дунё бўйича 180 аъзоси билан) IMT-2000 фаолияти учун бутунлай зарур бўлган 2520...2670 МГц қўшимча частота кенглигини ажратиш масаласи бўйича давлатларга (Алоқа маъмуриятларига) мурожаат қилинган. Мазкур масала бўйича UMTS форуми раҳбариятидан Ўзбекистон Республикасига ҳам сўровнома юборилган.

Мобил алоқасининг амалдаги тизимларидан учинчи авлод тизимларига ўтишни таъминлаш учун тегишли метериод асос тайёрлаш зарур, алоқани ташкил қилиш чизмалари, техник шартлар ва шу кабилар ишлаб чиқиши керак.

Мавжуд харакатдаги алоқа тизими (ХАТ) тармоқларини ўзгартириш (ёки бутунлай алмаштириш)ни ҳисобга олган ҳолда учинчи авлод технологияси асосида бўладиган уяли

дорлигини ошириш, электромагнит тўлқинлари мослашуви ва радиоэлектроника воситалари фаолияти бошқаруви ҳамда шуларга ўхшаш бошқа қатор масалалар ечимини тўлиқ таъминлаш учун қуйидаги тадбир ва амалларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

— куруқликда харакатланадиган радиоалоқа ва маълумотларни узатиш тармоқларини яратиш учун ажратиладиган радиочастота спектри бандлигини таҳлил қилиш;

— куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари абонент сифатини баҳолаш, частота кенгликларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш;

— куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари электромагнит тўлқинлари мослашуви таҳлили ва уни баҳолаш услубини ишлаб чиқиш;

— куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари радиоэлектроника воситалари томонидан частота кенгликларини биргаликда фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари тадқиқот қилиш;

— куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотларни узатиш тармоқлари томонидан айрим частота кенгликларидан биргаликда фойдаланиш шартшароитларини аниқлаш;

— куруқликда харакатланадиган радио ва радиотелефон алоқаси ҳамда маълумотларни узатиш тармоқларини ривожлантириш учун частота захирасини ажратиш бўйича тавсияномалар

UMTS тармоқларини қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикасида қуйидаги муаммолар ечилиши лозим:

— Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялари тармоғида учинчи авлод тизимининг ўрни ва аҳамияти (қўлланчи соҳаси, UMTS яратилишида мўлжалланаётган асосий ёндоқишлар);

— частота ораллиги, стандартлар, техник шартлар;

— UMTS тизимлари тақдим этадиган алоқа хизматининг турлари ва сифат кўрсаткичлари;

— учинчи авлод тизимларига мувофиқ равишда харакатдаги ва ўрнатилган алоқа бозорини баҳолаш;

— бошқа тизимлар (тармоқлар) билан ўзаро муносабат учун UMTS тизими интерфейслари;

— фойдаланувчиларнинг универсал терминаллари;

— мобил ва ўрнатилган алоқа тармоқлари тақдим этадиган хизматлар мажмуасини ҳисобга олган ҳолда UMTS тизими алоқасини ташкил қилиш чизмалари.

Шунингдек, турли вазифаларга мўлжалланган универсал абонент терминаллари тармоғига уланиш, UMTSни қўллаш, хизмат кўрсатиш технология жараёнлари, лицензиялаштириш ва бошқа кўп масалаларни ечиш лозим бўлади.

Р. ИСАЕВ,
Фан-техника ва
маркетинг тадқиқотлари
маркази директори,
техника фанлари
номзоди

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга М. Ломоносов номидаги Москва Давлат Университетининг фахрий профессори унвони берилди.

• Япония ҳукумати «Озик-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш» лойиҳаси бўйича Ўзбекистонга 550 миллион иен (тахминан 5,5 миллион АҚШ доллари) миқдорда бегараз молиявий ёрдам ажратиш тўғрисида қарор қабул қилди.

• Жазоирда шартнома бўйича меҳнат қилаётган тўрт нафар Россия фуқароси ўлдирилган. Бу борада Жазоир президенти Россия президентиغا ҳамдардлик мактубини жўнатди. Маълумотларга кўра, қотиллик ислом экстремистлари томонидан амалга оширилган.

• Гиннес рекордлар китобининг янги нусхаси чоп этилди. Китобга 2000 йилда дунёнинг юздан ортик давлатида қайд этилган беш мингдан ортик янги кўрсаткичлар киритилди. Бу рекордларнинг элликка яқини Хитойга тегишлидир.

• Италия парламенти сенати бойитилмаган уран қўшилган қуролдан халқаро миқёсда фойдаланишни тақиқлаш масаласида резолюция қабул қилди.

• Чили президенти Рикардо Лагос инсон ҳуқуқлари борасида иш олиб борган комиссия хулосаларини гоят фожали деб атади. Комиссия диктатор Пиночет ҳукмронлиги даврида ўлдирилган минглаб кишиларнинг жасадларини топиш билан шуғулланганди. Президент ўз мурожаатида 130 нафар жасад сувага чўктирилганини, 20 га яқини Сантьяго атрофидаги қабрларга қўмилганини айтиб ўтди.

Жамоатчи мухбиримиз Қашқадарё вилояти давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Йўлдош ЖОВУНОВА вилоятда текширув натижалари ҳусусида бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Йўлдош ака, суҳбатимизни амалий ишлар юзасидан бошласак, нима дейсиз?

ТАШАББУСКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

— Вилоятдаги назорат қилувчи органлар Республика кенгаши билан ҳамкорликда ишламоқда. Режага асосан ҳозиргача Давлат назоратидаги ўн та ҳўжалик юритувчи субъектлар текширувдан ўтказилди. Улардаги хато-камчиликлар аниқланиб, мутасадди раҳбарларга кўрсатмалар берилди. Бу текширувлардан асосий мақсад алоқа тизимидаги хизмат кўрсатишнинг сифат ва самардорлигини жаҳон андозалари даражасига етказишидир. Шу ўринда текширишларда аниқланган айрим камчиликлар ҳақида айтиб ўтай.

Вилоят телерадиокомпаниясига Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан берилган РТ-0000074 рақамли лицензия ва лицензион битим нусхалари мавжуд эмаслиги, шунингдек, Республика Давлат матбуот қўмитаси томонидан берилган «Оммавий ахборот воситаларини рўйхатга олганлик тўғрисида»ги гувоҳнома нусхалари йўқлиги маълум бўлди. Бундан ташқари вилоят телерадиокомпанияси биносида тайёрланган теледастурларни эфирга узатиш учун Қарши шаҳридаги телестанциясига алоқа воситаси ўрнатилган бўлиб, унинг ҳам ЭММ марказидан фойдаланишга махсус рухсатномаси йўқ. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида вилоят телерадиокомпаниясининг мутасадди раҳбарларига кўрсатмалар берилди. Уни бажариш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Натижада Идораларо мувофиқлаштирувчи комиссиянинг йиғилишида уларга махсус лицензия бериш ҳақида қарор қабул қилинди.

— Маълумотларга қараганда вилоятдаги алоқа жиҳозларининг аскарияти анча эскириб қолган, замона талаби даражасида иш бермаётган экан?

— «Қашқадарё Телеком» шўба корхонаси алоқачиларининг саъй-ҳаракатлари тўғрисида вилоятдаги айрим алоқа жиҳозлари эскирган бўлсада, улар имконият да-

ражасида (87 фоизга яқини) узлуксиз ишлатилмоқда. Мухими, эски бўлса ҳам аҳолига алоқа хизмати кўрсатишда шу шихозлар иш берапти. Чунки вилоят ҳудуди жуда катта бўлиб, алоқа хизмати-га эҳтиёж кучли. Ҳозир воҳада 87 минг 156 та телефон рақами бор, унинг 11 минг 212 таси рақамли телефонлардан иборат.

Умуман олганда «Қашқадарё Телеком» шўба кор-

хонасига қарашли 191 та кишлоқ АТСлари, 504 та маҳаллий таксофонлар, 56 та кредит карточкали телефонлар ишлаб турибди. Бироқ жиҳозларнинг эскилиги ёки магистрал кабелларда қуруқ ҳаво босимининг маъёрий даражаси етишмаслиги оқибатида қисман бўлсада, хизмат жараёнида узилишлар рўй бермоқда.

Бу камчиликларни бартараф этиш учун фақат баҳона эмас, имконият ҳам излаш керак.

Назаримда, мутасадди ходимларда ташаббускорлик етишмаётганга ўхшайди. Бу нуқсон соҳанинг дадил ривожланишига ҳалақит беради, албатта.

— Сўнги йилларда алоқа тизимида ҳамон бахтсиз ҳодисалар учраб туришининг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Вилоятдаги 1009 та алоқа тармоқларининг электр энергия тармоғи билан хавфли кесимлари ҳисобга олинган. Афсуски, ҳозиргача унинг яримдан ози-роқ қисми техник меъёрий ҳолатга келтирилган. Мана шундай хавфли кесимларнинг бартараф этилишига эътибор берилмаганлиги оқибатида бахтсиз воқеа рўй берди. Утган йили бундай бахтсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўйган бепарво раҳбарлардан уч нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Жойларда хавфсизлик масалаларига лоқайдлик билан қаралаётгани тўғрисида бундай бахтсиз ҳодисалар содир бўлмоқда.

— Ҳўш, сизнингча шундай камчиликларнинг қайта такрорланмаслиги учун нималарга эътибор қилиш лозим?

— Мухими, қайси соҳада бўлмасин, ҳар бир киши ўз ишига сидқидилдан ёндоша-са, жуда кўп муаммоларни бартараф қилиш мумкин деб ўйлайман. Иш устасидан кўрқар деган нақл беғиз айтилмаган. Демак, алоқачининг ўз касбини мукамал эгаллаши ва уни ардоқлаши соҳамизда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бахтиёр АРАБОВ
суҳбатлашди,
Қашқадарё вилояти

СИФАТЛИ ХИЗМАТ КўРСАТАЙЛИК

Самарқанд шаҳрида кўп йиллардан буён шаҳарлараро алоқа ва телевидение техник боғламаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Мухбиримиз ушбу корхона раҳбари Абдуманноп Шарофиддинов билан суҳбатлашди.

— Корхонамиз ШАТБ-4 шаҳарлараро алоқа ва телевидение ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси (ШАТИЧ-Б)нинг тизим бўлинимаси ҳисобланади. Ташкилотимизнинг халқ ҳўжалигида, кишиларнинг кундалик турмуш тарзида, қолаверса, вилоятимиз иқтисодининг ривожланишида ўзига хос ўрни бор. Зеро, шаҳарлараро алоқа тармоқларининг, радиореле ва кабелларнинг юқори даражада сифатли ҳамда узлуксиз ишлаб туришини бизнинг жамоамиз таъминлайди. Бундан ташқари бизнинг хизматимиз боис телевидение дастурларини керакли каналларга узатиш сифатида даражада амалга оширилади. Шунингдек, шаҳарлараро сўзлашув жараёни ҳам жамоамиз назоратида. Энди бевосита ташкилот тарихига тўхталадиган бўлсак, у 1965 йили ташкил топган бўлиб, РКМ-5 номи билан юритилган. Кейинчалик эса РКМ-5, ТУСМ-5 номлари билан фаолият кўрсатди. Ниҳоят, 1992 йилдан эса ШБТБ-4, яъни шаҳарлараро алоқа ва телевидение деб номланди. Шунингдек, бизнинг ташкилот юқорида айтилган хизмат турлари билан бир қаторда шаҳарлараро алоқа тармоқларининг биринчи даражали магистралларини ривожлантириш

ва такомиллаштиришни, кабел ва радиореле магистралларининг махсус шартитда ишлаши таъминлайди. Мавжуд кабел тармоқларини, алоқа жараёни таъминловчи иншоотларни, техник воситалар таъмирини ҳам бевосита амалга оширамиз. Алоқа тармоқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қоида ва талабларни корхона ва ташкилот ҳамда аҳоли ўртасида бажарилишини ташвиқот қилиш боранида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилади. ШАХИЧБ — республика бўйича магистрал линиялар қурилишида ва ишга туширилишида бош пудратчи ҳисобланади. Аини чоғда ташкилотимиз ишчи-ҳодимлари учун ойлик маошларини ўз вақтида маблағ билан таъминлаб келмоқда.

— Абдуманноп ака, сўзларингиздан маълум бўляптики, алоқа жараёнининг асосий воситаси — кабеллар таъмири ва бошқа юмушлар жамоангиз зиммасида экан. Бу борада аниқ рақамлар келтира оласизми?

— Биргина ўтган йилнинг ўзидан кабелларни ва рақамли станциялардаги хоналарни таъмирлаш учун 5,5 миллион сўм сарфланди. Шу билан биргаликда ҳозирда фойдаланилаётган алоқа тизимини янада такомиллаштириш мақсадида 1997 йилда Транс-Осиё-Европа оптик толали йўналиш ишга туширилиб, унинг бир қисми бизга фойда-

ланишга топширилди. Бундан ташқари 1998 йили Япониянинг ташқи иқтисодий ҳамкорлик жағрамаси лойиҳаси бўйича тўртта рақамли радиореле станциялари қуриб, ишга туширилди. Утган йилда эса ушбу лойиҳа асосида олтинта рақамли радиореле станциялари бунёд этилганди.


— Ташкилотларингиз ўтган йилдан акциядорлик жамаиятига айлантирилди.

— Ҳа, ўтган йилнинг ноябрдан Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг буйруғига қўра Тошкентдаги ташкилотимиз акционерлик жамаиятига айлантирилди. Ҳозир сотувага чиқарилган акцияларимизнинг ҳар бир донаси 10.000 сўм қилиб белгиланган. Биз ҳам шу жамаиятнинг филиали сифатида 10 миллион сўмлик акция сотиб олишни режалаштирганмиз.

— Аини пайтда жамоангиз олдиндаги мавжуд, муаммолар тўғрисида ҳам тўхталсангиз.

— Ҳозир иқтисодий ўтиш давридаги муаммолар бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Дизел ёнилғилари, мойлаш воситалари, эҳтиёт қисмлар сотиб олишга маблағ етишмайди. Шундай бўлса-да, жамоамиз хизмат кўрсатиш сифатининг талаб даражасида бўлиши учун бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилишмоқда.

Зебо ХУДОЁРОВА
суҳбатлашди,
Самарқанд вилояти



Ёш мутахассис

Равшан

ИСРОИЛОВ

Электромангит

мослашув

марказида

муҳандис бўлиб

ишлайди.

Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
олган сурат

Халқимизда «Ут балоси ва сув балосидан яратганининг ўзи асрасин» деган нақл бор. Ёнгин тўғрисида не-не кулфатларнинг шоҳиди бўлаётган биз ўт ўчириш хизмати ходимлари фуқароларни тез-тез огоҳлантириб туришни ўз бурчимиз деб биламиз. Зеро, ҳар

салан, ўтган йили 23 декабр кўни Тошкент шаҳридаги Саида Зуннунова кўчаси, 4 уйда истикомат қилувчи 8 ёшли И. Файратовнинг уйда ёлғиз қолиб, олов билан ўйнаши оқибатида ёнгин чиқиб, шу хонадон соҳиблари катта талофат кўрган, 27 декабр кўни эса Янгиариқ кўча-

зорат қилиб туринг;

— газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг;

— газ мосламаларини ўрнаштириш фақат мутахассисларга ишониб топширинг;

— уй чордоқлари, ертўларда жойлашган иситиш печ ва мўрилари атрофини тез аланга олиши мумкин бўлган нарсалардан тозалаб қўйишни унутманг;

— электр симларини махсус қопламалар орқали ўтказилишини таъминланг;

— ёш болаларингизни уйда ёлғиз қолдирманг.

Ёнгини ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осонроқдир.

Ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш хонадонингизда доимо хурсандчилик ва оёсайишталик бўлишини таъминлайди.

З. АЗИМОВ,
Юнусобод тумани
Ёнгиндан сақлаш хизмати
бошлиғи, ички хизмат
майори

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент электротехника алоқа институти жамоаси институт ректори, техника фанлари доктори, профессор Соҳибжон Собирович ҚОСИМОВни тўғилган кўни билан табриклайди. Унга узок умр, сиҳат-саломатлик, ишларига муваффақиятлар тилайди.

«Жиззах Телеком» шўба корхонаси Дўстлик филиали жамоаси корхона директори Шарифжон МАМАДАЛИЕВни тўғилган кўни билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узок умр, оилавий хотиржамлик, алоқа соҳасидаги ишларида муваффақиятлар тилайди.

«Наманган Телеком» акциядорлик жамаияти жамоаси корхона техник директори Абдуллажон НАРЗУЛЛАЕВни 55 ёши билан чин юракдан табриклайди. Оллоҳдан узок умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, ишларида улкан зафарлар тилаб қоладик.

ИШҚ АҲЛИДАЙ СЕРЗАВҚ ОЛИЙ НАСАБ ИҶҚ

ГУЛЛАРИНГНИ СОҒИНДИМ

Гуллар ҳамма жойда бирдай
чиройли,
Ҳиди бирдай ёқимли, хушбўй,
Дея ўйлардим.

Гулларингни соғиниб қолдим,
Ҳар тонгдаги қувончимни
Соғиндим жуда,

Юрагимга руҳ инарди
Маъсум ҳидлардан.
Бу ерда ҳам гуллар кўп жуда.
Бу ерда ҳам гуллар
чиройли –
Янгилайди ҳар тонг ҳамшира,
бирок,

Беморлигим эсга келар
Кўзим тушган чок
Ва наздимда
Фақат гуллар ифори эмас,
Аллақандай дориларнинг

Иси анқир гулдондан.
Мен гулгамас,
Гуллар менга термулгандай
Раҳми келиб, ачиниб.
Фақат менинг кўнглим учун
Жилмаймоқчи бўлаётгандай...
Ахир мен ҳам яхши кўраман

Бир оз мағрур,
Бир оз иболи,
Яшнаб турган дуркун гулларни.
Холбуки, мен
Гуллар ҳамма жойда бирдайин
кўркам,
Ҳиди ҳамма жойда ёқимли,
хушбўй,
Жозибали, дея ўйлардим...
Гулларингни соғиндим жуда,
Гулларингни...

СЕН ЙИГЛАСАНГ...

Армонлардан ногоҳ сўз очсанг,
Ўкинчларга тўлса гар кўнглинг.
Энтикиб, энтикиб йиғласанг
Ғамгин тушга айланар ўнгин.

Кўз ёшларинг жозилаб томар
Юрагимнинг нақ ярасига.
Поёни йўқ азоблар бор-а
Икки жаҳон оворасига.

Кўз ёшининг ҳар бир томчаси
Вужудимни эзар – зил-зил тош.
Кўз ёшининг бир томчасини
Қуритмоққа ожиздир қуёш.

Сен йиғласанг... ағёр шох отиб,
Ҳолимиздан кулмасми, эркам?
Сен йиғласанг... шод,
бехавотир
Бағрин менга очарми эртам?

Сен йиғласанг боттум гуноҳга,
Ич-ичимдан мен ҳам йиғлайман,
Сен йиғласанг... икки дунёга
Сиямайман.
Сиямайман...

СЕВМАГАН ОДАМ

Қалбини қандай илитаркин
Севмаган одам.

Ўзини нима деб овуларкин
Севмаган одам?
Ўйлаб-ўйлаб келолмадим
Бир фикрга,
Асли, ким деб аталаркин
Севмаган одам?

ТҮРТЛИКЛАР

Ишқ аҳлидай серзавқ, олий
насаб йўқ,
Ишқ дамин кесгуччи қаҳру
ғазаб йўқ,
Севмоқ – бахт, севилюқ
толе-ку, аммо,
Пинҳон оҳ урмоқдан ортиқ
азоб йўқ.

Ўзинга ойдай талъат тила,
Боқий чирой, малоҳат тила.
Бор сифатни тила ўзинга,
Менга эса... сабр-тоқат тила.

Қамчибек КЕНЖА

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва
телекоммуникациялар
агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон
ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДҲУЖАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир
ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТҮЛЕБОВ
Ёқубжон ХҲЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:

Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул
ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин
ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000,
Тошкент-35, А. Толстой
кўчаси, 1.



ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.

Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ

Тахририятга келган
кўлёмалар (2 ораликда,
5 бетдан ошмаслиги
лозим) ва суратлар
муаллифларга қайтарил-
майди. Мақолалардаги
фикр-мулоҳазалар,
келтирилган факт ва
рақамлар масъулияти му-
аллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш № 00011.

Буюртма № Г-2039.
9441 нусхада чоп
этилди.

Офсет усулида
босилди.


Бичими А-3, ҳажми 1
босма табақ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИ
БОСМАХОНАСИ.

Манзили:
Тошкент шаҳри,
«Буюк Турон» кўчаси,
41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6



Киш кишлигин қилди ахир,
Соғинганимизни билди ахир.

ЛАТИФАЛАР

Кишлоқдан шаҳарга би-
ринчи марта келган деҳқон
чол лифтни кўриб анграй-
иб турар эди. Шу пайт
лифтга қари кампир кириб,
юқори қаватга чиқиб кетди
ва бироз вақт ўтгач, лифт
пастга тушди, ундан бир ёш
киз чиқиб келди.
— Эҳ, аттанг, — деди буни
кўриб деҳқон, — кампирим-
ни шу ерга олиб келсам
бўлар экан.

тиланчилик қилиб турган жул-
дур кийимдаги бир гаёйдан
сўради:
— Сен ичкилик ичасанми?
— Йўқ.
— Сигарет чекасанми?
— Йўқ.
— Бегона хотинлар билан
юрасанми?
— Йўқ.
Шунда эр хотинига юзла-
ниб, деди:
— Мана, хотин, ичмайдиган,
чекмайдиган, бошқа аёллар
билан юрмайдиган эркак қай
аҳволга тушишини кўриб қўй!

Эр-хотин кўчада кети-
шаётганди, эр муюлишда

Бир йигит ўз севгилсига

деди:
— Юр, сени бир спектаклга
олиб тушай. Билетни энг
охирги қаторга оламиз.
— Энг охирги қаторга бил-
ет бўлмай, ўрта қаторга
бўлса-чи, унда нима қиламиз?
— Унда... унда спектаклни
томоша қиламиз.

Қамоқ муддати тугагач,
ўғрига қамоқхона бошлиғи
хужжатларини қайтариб бе-
рар экан, унга насиҳат қила
бошлади:

— Мана етти йиллик муд-
датни ўтаб бўлдинг. Бундан
буён ўғрилиқка чек қўй, ҳалол
меҳнат билан тирикчилик қил!
Ўғри ҳадеганда кетгээрма-

гач, қамоқхона бошлиғи
сўради.

— Ҳа, яна нега турибсан?
— Ҳибсга олиниш пайти-
даги тартиб олинган иш
қуролларимни қайтариб
берсангиз.

Маъруза тугаганидан
кейин профессор талаба-
лардан бирига мурожаат
қилди:

— Сиз бутун маъруза да-
вомида тинмасдан гапириб
ўтирдигиз, уялмайсизми?
— Кечирасиз-у, жаноб
профессор, аммо менинг
ухлаганда гапирадиган ода-
тим йўқ.